



2002 й. 09.09 № 9564

Фарғона вилояти, Марғилон
шаҳри, Зухро кўчаси 31 уй,
31 хонада яшовчи

М.Тожибоевага

Сизнинг жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти, Охунбобоев туман судининг раиси М.Қаюмовнинг ҳатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига «Ёлланма ҳуқуқшуносларга ким чора кўради» сарлавҳали шикоят аризангиз юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Сиз аризангизда жиноят ишлари бўйича туман судининг раиси М.Қаюмовни Ўзбекистон Республикаси ЖК 168 моддаси 3-қисмининг «а» банди, 184-моддасининг 3-қисми, ва 228-моддасининг 1-қисми, 2-қисмининг «б» банди билан айбланиб судга чиқарилган Эргашев Раҳимжон Позиловичнинг жиноят ишини суд мажлисида кўрилишида йўл қўйган процессуал хато-камчиликлари ва ўз вазифасига масъулиятсизлик ҳолатлари кўрсатилиб, унга нисбатан чора кўришликни сўрагансиз.

Хизмат текширувида, мазкур жиноят иши туман судининг раиси М.Қаюмов раислигида кўрилиб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а» банди, 184-моддаси 3-қисми ва 228-моддаси 1-қисми, 2-қисмининг «б» банди билан Р.Эргашевни айблаш тўғрисидаги ушбу жиноят иши 2002 йил 1 апрелда чиқарган ажрими билан қўшимча тергов юритиш учун қайтарилган.

Суднинг ажримига нисбатан келтирилган туман прокурорининг хусусий протести ва фуқаровий даъвогарлар М.Тожибоева, И.Далиевларнинг хусусий шикоятлари жиноят иши материаллари асосида Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция инстанциясида 2002 йил 20 майда кўриб чиқилган ва келтирилган хусусий протест ва шикоятлар қаноатлантирилиб, суд ажрими бекор қилиниб, ишни янгитдан

кўриш учун жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судига юборилган.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўришда, бир қатор процессуал қонун талаблари бузилган.


Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22 — моддаси талаблари, яъни иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам оқлайдиган, ҳам фош қиладиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим деган талаблари бажарилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 419 моддасида жиноят ишини қўшимча терговга қайтаришни асослари кўрсатилган бўлиб, жиноят иши материалларида ушбу моддада кўрсатилган асослар мавжуд бўлмасада, суд асоссиз равишда жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариб, ЖПК нормаларини жиддий бузилишига йўл қўйган.

М.Қаюмовнинг юқоридаги йўл қўйган ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг раиси томонидан унга нисбатан 2002 йил 20 июнь кунги қарори билан интизомий иш қўзғатилган ва вилоят суди судьялари малака ҳайъатининг 2002 йил 29 июндаги 9 — сонли қарори билан М.Қаюмовга «хайфсан» интизомий жазоси тайинланган.

Бу ҳақда Сизга маълум қилинади.

Жиноят ишлари бўйича судлов
ҳайъати раиси ўринбосари


И.Мамарайимов